ШАФФОФ СУД – ХАЛҚ ИШОНЧИ ГАРОВИ

Мамлакатимизда кейинги йилларда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, одил судловнинг очиқлиги ва шаффофлигини кучайтириш, фуқароларнинг судларга бўлган ишончини мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгиланган бежиз эмас. Зеро, суд тизимида ҳалоллик ва холислик таъминланмас экан, қонун устуворлиги ва адолат тамойилларини тўлиқ қарор топтириш қийин.



Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 8 июнда қабул қилинган «Судларда комплаенс назорат тизими самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Ушбу ҳужжат суд тизимида коррупцияга қарши курашишнинг замонавий механизмларини шакллантириш, ички назорат самарадорлигини ошириш ҳамда хизмат фаолиятида ҳалоллик, очиқлик ва ҳисобдорлик муҳитини янада мустаҳкамлашга қаратилган.

Мазкур Фармонга , судьялар корпусида коррупциянинг олдини олиш вазифаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Суд инспекциясига, суд аппарати ходимлари фаолиятида эса Олий суднинг Комплаенс назорат хизматига юклатилди. Бу ваколатларнинг аниқ тақсимланиши назоратнинг таъсирчанлигини ошириш, масъулиятни кучайтириш ҳамда ҳар бир тузилманинг вазифаларини аниқ белгилашга хизмат қилади.

Ҳужжатда кадрлар сиёсатига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Энди суд аппаратига ишга қабул қилиш жараёни очиқ танлов асосида ташкил этилиб, номзодларни баҳолашда уларнинг билими, касбий малакаси, тажрибаси ва шахсий фазилатлари асосий мезон сифатида инобатга олинади.

Бу эса инсон омилини камайтириш, таниш-билишчилик ва субъектив ёндашувларнинг олдини олишга хизмат қилади. Шу мақсадда замонавий рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш ҳам назарда тутилган.

Фармон билан даромад ва мол-мулкни декларация қилиш тизими ҳам жорий этилмоқда. Судьялар, суд аппарати ходимлари, шунингдек уларнинг турмуш ўртоқлари ва вояга етмаган фарзандларининг даромадлари ҳамда мол-мулки ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш тартиби коррупция хавфларини барвақт аниқлаш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва давлат хизматида шаффофликни таъминлашга хизмат қилади.

Мирзохид ХАЙДАРОВ,
Сирдарё вилоят маъмурий судининг судьяси



ҲАЛОЛЛИК УСТУВОР БЎЛГАН ЖАМИЯТ САРИ

Коррупцияга қарши курашиш, жамиятда ҳалоллик ва шаффофлик муҳитини қарор топтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу мақсадда Сирдарё вилояти Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашининг сайёр йиғилиши Ховос туманида ўтказилди

Йиғилишда Сенатор Покиза Аҳмеджанова раислик қилди. Унда вилояти прокурори ўринбосари Анвар Шукуров, туман ҳокими Қомус Юлдашев, ҳудудий кенгаш аъзолари ва масъул ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Тадбирда туманда маиший коррупциянинг олдини олиш бўйича «Йўл харита» ижроси муҳокама қилиниб, масъулларнинг ҳисоботлари тингланди. Мактабгача ва мактаб таълими, соғлиқни сақлаш, солиқ, энергетика, ер қаъридан фойдаланиш ҳамда ичимлик суви таъминоти соҳаларидаги коррупциявий хавф-хатарлар таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Йиғилишда коррупцияга қарши курашиш давлат идоралари, жамоатчилик ва ҳар бир фуқаронинг умумий масъулияти экани таъкидланиб, ҳалоллик, қонунийлик ва очиқлик тамойилларини ҳаётнинг барча соҳаларида таъминлаш муҳимлиги қайд этилди.

Фаҳриддин РАҲИМОВ,
Ховос туман прокурори.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ МУРОСАСИЗ КУРАШИШ - ДАВР ТАЛАБИ

Бугунги кунда коррупцияга қарши курашиш мамлакатимиз давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Коррупция иқтисодий тараққиётга тўсқинлик қилибгина қолмай, фуқароларнинг давлат органлари ва молия муассасаларига бўлган ишончини ҳам сусайтиради. Шу боис ушбу иллатга қарши муросасиз курашиш ва унинг олдини олиш ҳар бир ташкилотнинг муҳим вазифасидир.

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ тизимида ҳам коррупциянинг олдини олиш, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда. Президентнинг 2025 йил 21 апрелдаги қарори ҳамда «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун талаблари асосида банкда ички назорат тизими такомиллаштирилиб, коррупцияга қарши курашиш йўналишида самарали механизмлар жорий этилган.

Жумладан, 2026 йил давомида банк ходимлари учун коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, хизмат одоби ва совғаларни қабул қилиш тартибига бағишланган ўқув семинарлари ташкил этилди. Бу эса жамоада ҳалоллик ва қонунга ҳурмат тамойилларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, «SQB Business» ва «SQB Mobile» платформалари орқали банк хизматларининг рақамлаштирилиши инсон омилини камайтириб, хизмат кўрсатиш жараёнининг очиқлиги ва шаффофлигини янада оширмоқда.

Банкда коррупция ёки манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ҳақида хабар бериш учун ишонч телефони, махсус веб-форма ва Telegram чат-боти орқали мурожаат қилиш имконияти ҳам яратилган.

Коррупцияга қарши курашиш – бу фақат назорат эмас, балки жамиятда ҳалоллик, адолат ва қонун устуворлигини қарор топтиришга қаратилган узлуксиз жараёндир. «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ жамоаси бу борада очиқлик, шаффофлик ва ишонч муҳитини мустаҳкамлаш йўлида изчил фаолият олиб бормоқда.

Жамшид ДЖУРАЕВ,
«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Сирдарё вилояти Коррупцияга қарши курашиш гуруҳи ходими.

ҚИЛМИШ — ҚИДИРМИШ

ҚИНҒИР ИШНИНГ АЧЧИҚ САБОҒИ

Бугунги кунда юртимизда коррупция номли мудҳиш иллатга қарши муросасиз кураш олиб борилаётганига қарамай, афсуски, ҳали-ҳамон осон бойиш илинжида қонунни четлаб ўтишга уринаётган, одамларнинг ишончи ва орзуларидан фойдаланишни касбга айлантирган кимсалар учраб турибди. Энг ачинарлиси, давлат хизматига ишга киришдек масъулиятли жараённи ҳам ноқонуний йўл билан ҳал қилиш мумкин, деган янглиш тасаввур айрим фуқароларни ҳам, шундай "воситачи"ларни ҳам жиноят ботқоғига тортиб кетмоқда.

Ўтмишда бир неча бор судланган, ҳаёт сабоқларидан тўғри хулоса чиқара олмаган, вақтинча ёлланма меҳнат билан кун кечираётган А.Р. исмли шахс ўзини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда юқори лавозимларда ишловчи танишлари бордек таништира бошлади. Унинг гапларига кўра, Миллий гвардия тизимига ишга жойлаштириш муаммо эмас, фақат бунинг "нархи" бор эди.

Шу тариқа, Миллий гвардия тизимига ишга киришни орзу қилиб юрган Н.С. билан учрашув ташкил этилди. Суҳбат чоғида А.Р. гўё юқори лавозимли танишлари орқали уни ишга жойлаштириб беришини айтиб, эвазига 3 минг АҚШ доллари талаб қилди.

Бироқ А.Р. бир нарсани ҳисобга олмаган эди. Н.С. унинг таклифини қонуний деб билмади. Аксинча, қонунга ишонч билдирди ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилди. Шундан кейин воқеалар ривожи бутунлай бошқача тус олди.

Жорий йилнинг 6 май куни Гулистон шаҳрининг "Тараққиёт" маҳалласи ҳудудида А.Р. Н.С.дан кимёвий ишлов берилган 2 000 АҚШ доллари ҳамда 2 600 000 сўм миқдоридаги пул маблағини олган пайтда тезкор тадбир иштирокчилари томонидан ашёвий далиллар билан жиноят устида ушланди.

Шу тариқа, осон бойиш илинжи билан бошланган режа суд залида якун топди.

Жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар судининг 2026 йил 3 июлдаги ҳукмига кўра, А.Р. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 25,168-моддаси биринчи қисми ва 28,211-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилди ҳамда унга жиноятлар мажмуи бўйича узил-кесил 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Ҳа, қинғир ишнинг энг аччиқ сабоғи шундаки, у инсоннинг нафақат эркинлиги, балки обрў-эътибори, келажаги ва оиласи осойишталигини ҳам хавф остига қўяди. Шу боис ҳар бир фуқаро қонунга таяниши, ноқонуний таклифларга муросасиз муносабатда бўлиши ва коррупцияга қарши курашда фаол фуқаролик позициясини намоён этиши муҳимдир.

Умиджон РАСУЛБЕРДИЕВ,
жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар суди раиси.

Ушбу саҳифа Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси томонидан "Коррупция -жамият тараққиётининг кушандаси" шиори остида ўтказилган танлов ғолибларига ажратилган давлат гранти маблағлари ҳисобидан тайёрланди